


"Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги мавқеини ошириш"



Қумқўрғон туман Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда Миллий тикланиш партиянинг Сурхондарё вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамкорликда "Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги мавқеини ошириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур тадбирда туман ҳокими ўринбосари-Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Нигора Жумаева, Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгашига "Миллий тикланиш" демократик партиядан сайланган депутат Райҳон Менгзияева, партиянинг вилоят Кенгаши ходимлари Маҳбуба Рўзиева, Жамшид Алиев ҳамда тумандаги маҳаллаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари иштирок этишди.